
ФАРҒОНА ВА КОРЕЯНИНГ ИНЧХОН ШАҲРИ МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона вилояти расмийлари ҳамда тадбиркорларидан иборат делегация 27-30 март кунлари амалий ташриф билан Корея Республикасида бўлиб қайтди. Делегация таркибидан вилоят 2-сектори раҳбари, вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов ҳам ўрин олди.

Тадбир дастурига кўра дастлаб вилоятимиз делегацияси аъзолари Инчхон шаҳрида бўлиб, шаҳар мэри Ю Чон Бок ҳамда шаҳар расмийлари билан учрашув ўтказдилар.

Самимий мулоқот давомида биродарлашган ҳудудлар – Фарғона вилояти билан Инчхон шаҳри ўртасида иқтисодий-инвестицион алоқаларни ҳамда ижтимоий, маданий бошқа қатор соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки давлат раҳбарларининг сайъ-ҳаракатлари билан ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиши ўз ўзидан ҳудудлараро муносабатларни ҳам кучайтираётгани қайд этилди. Инчхон мэри Ю Чон Бок таъкидлашича, “Ўзбекистонда яшаётган этник корейслар ва Инчхонда фаолият кўрсатаётган 10 минг нафарга яқин ўзбекистонликлар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда”.

Мулоқот чоғида ўртага ташланган Фарғона вилоятида Инчхон эркин иқтисодий зонаси филиалини ташкил этиш таклифи икки ҳудуд раҳбарлари томонидан маъқулланди. Шунингдек, Инчхон шаҳрида Фарғонага тўғри тўғри авиарейсларни йўлга қўйиш масаласида олиб борилаётган музокаралар ниҳой босқичда экани қайд этилди. Ижтимоий, илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларида қўшма тадбирларни доимий ташкил этишга ҳам келишиб олинди.

Келишувларни амалга ошириш бўйича Инчхон шаҳри мэрининг ва Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосарлари бошчилигида Ишчи гуруҳ тузиш, ҳамкорлик натижаларини ҳар чорак якуни билан онлайн муҳокама қилиб боришга келишилди.

Учрашувда Корея-Ўзбекистон Бизнес ассоциацияси раҳбари Эдвард Ким ҳам иштирок этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-03-31 15:13:18